

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ МД 5А120102 – 2.01
2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100 000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120 000 - Гуманитар фанлар
Мутахассислик: 5А 120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Ашурова Д.У. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси профессори, ф.ф.д.;
- Галиева М.Р. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н.;
- Таджибаева А.А. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Такризчилар:

- Сиддикова И.А. – ЎзМУ, “Инглиз филологияси” кафедраси профессори, ф.ф.д.
- Маматов А.Э. – ЎзДЖТУ, “Умумий тилшунослик” кафедраси профессори, ф.ф.д.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Замонавий лингвистика йўналишлари” фани мутахассисликнинг бошқа фанлари билан интеграллашган ҳолда ўқитилади ва магистрантларнинг чет тили бўйича коммуникатив компетентлигини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу фан тил ва тафаккур, тил ва онг, тил ва маданият, тил ва нутқ ўзаро муносабатларини, инсоннинг тилда намоён бўлувчи когнитив фаолиятини ҳар тарафлама ўргатишни назарда тутди. Фан замонавий лингвистик йўналишларининг методологик принциплари, асосий тушунчаларини, борлиқ, дунё ва воқеликни билиш ва уни тил орқали онгли идрок этиш ва категориялаш, тилда турли хил экстралингвистик ва маданий характерга эга билим тузилмаларининг акс этилиши, турли элатлар вакиллари мулоқоти жараёнида экстралингвистик омилларнинг намоён бўлиши масалаларини ўз ичига қамраб олади. Замонавий лингвистик йўналишлари нуктаи назаридан тил – маданиятлараро мулоқот воситаси, билим олиш ва сақлаш, маданиятни ўзида акс этиш, уни амалда қўллаш ва узатиш манбаи ва ниҳоят, тафаккурни ва инсоннинг дунёқарашини шакллантирувчи восита сифатида талқин этилади. Тил орқали инсон борлиқ ва воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилади, тўплайди, қайта ишлайди, тартибга солади ва идрок этади. Тил орқали инсон бошқа элат вакиллари билан мулоқот қилади ва ўзга маданиятни ўрганайди. Шу ўринда тил нафақат мулоқот қуроли балки фикрни шакллантирувчи ва маданиятни ифода қилувчи восита ролини ўйнайди. Замонавий лингвистик йўналишларида кўрилаётган масалаларнинг долзарблиги уларнинг “антропоцентриқ” характерга эгаллиги, яъни инсонга йўналтирилган, тилни бевосита инсон билан боғлиқ бўлган масалалар (маданият, тафаккур, нутқ, мулоқот) билан чамбарчасликда ўрганилиши ушбу йўналишларнинг тилшуносликда асосий ўрин эгаллашига олиб келди. Ҳозирги вақтда, замонавий лингвистик йўналишларда қўлга киритилган ютуқлар, ундаги тушунчалар ва терминлар, концепциялар ва назариялар коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психоллингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвомаданиятшунослик каби тилшуносликнинг замонавий йўналишларида илмий изланишлар олиб боришга замин яратди.

Замонавий лингвистика йўналишларида тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва нутқ, тил ва маданиятлараро мулоқот муносабатлари муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, фанни ўқитишда тил ва тафаккур, тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатига катта эътибор қаратилади.

“Замонавий лингвистика йўналишлари” фани “Когнитив лингвистика”, “Қиёсий лингвомаданиятшунослик” ва “Лингвопрагматика” модулларидан таркиб топган. Модулларни ўқитиш жараёни интеграллашган ҳолда олиб борилади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Ўқув фанининг мақсади – магистрантларда замонавий лингвистик йўналишларининг методологик принциплари, долзарб муаммолари ва асосий тушунчалари бўйича мутахассислик профилига мос илмий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда замонавий лингвистик йўналишлари соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўқув фанининг вазифаларига:

- замонавий лингвистик йўналишларининг асосий муаммолари бўйича таянч илмий билимларни шакллантириш;
- замонавий лингвистик йўналишларида фойдаланиладиган замонавий таҳлил методлари воситасида лисоний ва билим тузилмаларнинг, тил ва маданиятлараро мулоқот, тил ва нутқ ўзаро муносабатини таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантириш;
- тилда турли хил билимлар тузилмалари ва ахборотнинг тақсимланиши йўллари йўрганишга қаратилган когнитив методларни амалда қўллай олишни таъминлаш; борлиқ, дунё ва ундаги нарсаларни категориялаш моделларини амалда қўллашга ўргатиш; тилдаги концептуал аҳамиятга эга ахборотни тадқиқот асосида очиб бериш;
- турли тил эгалари билан маданиятлараро мулоқот қилиш факторлари, коммуникатив-прагматик ситуациялар, маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага келувчи қийинчиликларни енгиш ва олдини олишга ўргатиш;
- коммуникатив ҳодиса, лисоний мулоқот жараёнидаги нутқ белгиларни яратиш, узатиш ва қабул қилиш, мулоқот жараёнида яратиладиган мазмунлар, ижро этиладиган прагматик вазифалар, коммуникатив-прагматик ҳодисаларни таҳлил этиш кўникмаларини ривожлантириш;
- замонавий лингвистик йўналишлари соҳасида илмий тадқиқот олиб боришга ўргатишдир.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Замонавий лингвистика йўналишлари фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган вазифалар доирасида магистр:

- тилшунослик тарихида рўй берган парадигмалар силжиши, антропоцентрик парадигма хусусиятлари ва унинг бошқа парадигмалардан фарқли жиҳатлари;
- замонавий лингвистик йўналишлари соҳалараро фанлар эканлиги ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқлиги ва муносабатлари;
- замонавий лингвистик йўналишлари (Когнитив лингвистика, Қиёсий лингвомаданиятшунослик, Лингвопрагматика) анъанавий тилшуносликдаги фанлардан фарқли жиҳатлари;
- замонавий лингвистика йўналишлари фанининг назарий ва амалий ютуқлари;
- замонавий лингвистик йўналишларидаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар;
- тил объектив борлиқ ҳақидаги билимларни акс эттирувчи восита эканлиги; тил билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ва узатиш манбаи, тафаккурни ва инсоннинг дунёқарашини шакллантирувчи восита эканлиги;
- тил турли хил билим тузилмалари ва миллий-маданий характерга эга бўлган маълумотларни акс эттирувчи восита эканлиги;
- маданий концепт, фрейм, концептуал дунё тасвири, лисоний дунё тасвири, миллий дунё тасвири тушунчалари; концептуал система ва тил системаси ўртасидаги муносабатлар; олам ва ундаги нарсаларни категориялаш ва концептуаллаштириш жараёнлари;

- ўзга ва она ватан маданиятидаги лисоний фарқлар, лисоний ва миллий дунё тасвирлардаги фарқлар ва ўхшашликлар;
 - тилдаги миллий-маданий хусусиятга эга маданий бирликлар; маданий кодлар, маданий компетенция тушунчалари;
 - коммуникатив-прагматик стратегиялар ва тактикалар, нутқ жараёни ва унинг турлари, нутқий компетенция, нутқий ахлоқ, нутқий актларнинг классификацияси;
 - коммуникатив жараёнининг прагматик эффективлиги, конвенционал ва ноконвенционал имплицатуралар, тил бирликларининг прагматик жиҳати;
 - замонавий лингвистик йўналишлари соҳасида амалга ошириладиган илмий-тадқиқотларга қўйилган талаблар;
 - замонавий лингвистик йўналишлари соҳасида бажарилган тадқиқотларда илмийлик ва манбаларга асосланиб фикр юритиш талаблари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
 - замонавий лингвистик йўналишларининг методологик принциплари, замонавий лингвистик йўналишларида тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва нутқ муносабатларига турли ёндашувлар;
 - ўрганилаётган фанларнинг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчалари;
 - замонавий лингвистик йўналишларининг асосий тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари;
 - замонавий лингвистик йўналишларининг асосий тушунчалари: маданий бирликлар ва уларнинг турлари, нутқий акт, концепт ва унинг турлари, фрейм назарияси ва унинг таҳлили; билим тузилмалари, ахборот, категоризация, концептуализация, когниция, прототип, концептуал ва лисоний дунё тасвири;
 - когнитив метафора, унинг турлари ва вербаллашув хусусиятлари; стилистик восита, категория ва ҳодисаларни ўрганишда лингвокогнитив ёндашув; стилистик категория ва ҳодисаларни ўрганишда лингвокогнитив ёндашув;
 - прагматикадаги кооперация тамойили, нутқий акт турлари, прагматик вазибалар, коммуникатив-прагматик ҳодиса, ҳушмуомалалик тамойили, нутқий актнинг семантик-прагматик хусусиятлари;
 - замонавий лингвистик йўналишлар бўйича мавзуларни билиш ва эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
 - лисоний материал билан ишлаш;
 - муайян назарий масалаларга оид фикрларни баён этиши, айна фикрларга нисбатан танқидий муносабатини шакллантириш ва ифодалаш;
 - замонавий лингвистик йўналишларининг асосий тушунчаларига илмий изох бера олишни ва ушбу тушунчаларини ўз илмий тадқиқотларида қўллай олиш;
 - лисоний бирликларни таҳлил қилиш методларини (кросс-маданий таҳлил, концептуал таҳлил, лингвопрагматик таҳлил, фрейм таҳлил, когнитив харита тузиш) билиш ва уларни амалиётда қўллаш;
 - тил бирликлари когнитив ва маданий таҳлилини бошқа ёндашувлардан (структурал, генератив, семантик) фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш;
 - тил бирликларда акс эттирилган миллий дунё тасвирини ифода этувчи миллий-маданий бўёқдор лисоний бирликларни ажрата олиш;

- лисоний материални лингвопрагматик жиҳатларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш;
- илмий тадқиқот жараёнида долзарб масалаларни аниқлай олиши ва тил бирликларини таҳлил қилишда уларнинг ечимини топа олиш;
- эгаллаган билимларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш *кўникмалари ва малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Замонавий лингвистика йўналишлар фани магистратура босқичида асосий умуммутахассислик фани ҳисобланиб, 1, 2 ва 3-чи семестр давомида ўқитилади. Дастурни амалга оширишда магистрантларнинг бакалавр босқичидаги “Умумий тилшунослик”, “Стилистика ва матн таҳлили”, “Лексикология”, “Инглиз тили амалий курси” фанлари бўйича шаклланган тасаввур, билим, малака ва кўникмаларига суянилади ва уларни такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Ушбу фан умуммутахассислик ва ихтисослик фанлар блоки, ҳамда “Психоллингвистика” “Лингвомаданиятшунослик”, “Социоллингвистика”, “Коммуникатив тилшунослик” каби замонавий йўналишлар билан ҳам узвий боғлиқ.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Замонавий лингвистика йўналишлар фани тилшуносликнинг замонавий йўналишлари, когнитив лингвистика, қиёсий лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика фанларини қамраб олади. Ушбу фан инсонлараро ва маданиятлараро мулоқотнинг оғзаки ва ёзма шаклларида зарур бўлган чет тили коммуникатив ва касбий компетенцияларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Магистр-лингвистларнинг олий таълим муассасаларида чет тили мутахассиси сифатида фаолият кўрсатишида ёрдам беради. Бундан ташқари, ушбу фанни ўрганиш жараёнида эгалланган билимлар филология соҳасида илмий тадқиқот олиб боришга кенг имкониятлар яратади, чунки ҳар бир лингвист илмий тадқиқот жараёнида лисоний материални таҳлил қила олиши кўникмаларига эга бўлиши зарур. Шунингдек, ушбу курс тил ва тафаккур, тил ва онг, тил ва маданият, тил ва нутқий жараённинг ўзаро муносабатларини чуқур тушунишга ва мулоқотнинг турли жабҳаларида ва ҳолатларида тилдан адекват фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Магистрантларнинг замонавий лингвистика йўналишлари фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Ушбу фанни ўқитишда таълимнинг интерфаол методлари, коммуникатив ёндашувларга таянган ҳолда талабаларни маълумотларни пассив ҳолда қабул қилишларини эмас, балки уларнинг таълим жараёнида фаоллашуви, мустақил фикрлаши, фикрини эркин баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилади. Маъруза ва амалий

машғулотларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Жумладан интерфаол методларнинг қўйидаги турларидан кенг фойдалинилади:

- гуруҳли музокаралар;
- жамоа лойиҳалари;
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш;
- яққа ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш;
- инсерт техникаси;
- кейс- стади ;
- ақлий хужум методи.

Бундан ташқари

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Замонавий лингвистика йўналишлари фани “Когнитив лингвистика”, “Қиёсий лингвوماданиятшунослик” ва “Лингвопрагматика” модулларини ўзида акс эттиради.

Фанга кириш

Антропоцентрик парадигма илмий система сифатида

Илмий парадигма тушунчаси. Т. Куннинг парадигмалар назарияси ва унинг фанга таъсири. Тилшунослик тарихидаги парадигмалар силжиши. Қиёсий-тарихий парадигма, унинг ривожланиш тарихи ва хусусиятлари ҳамда тилшунослик фанига қўшган ҳиссаси. Структурализм парадигмаси, унинг ривожланиш тарихи ва хусусиятлари. Структурализм парадигмасининг тилшунослик фани ривожланишида эгаллаган ўрни. Антропоцентрик парадигма ва унинг хусусиятлари. Антропоцентрик парадигманинг замонавий тилшуносликда эгаллаган ўрни ва хусусиятлари. Антропоцентрик лингвистик йўналишлар: когнитив тилшунослик, лингвوماданиятшунослик, маданиятлараро мулоқот назарияси, психолингвистика, гендер тилшунослиги.

КОГНИТИВ ЛИНГВИСТИКА

Когнитив лингвистика фанига кириш

Когнитив лингвистика тўғрисида умумий маълумотлар. Фаннинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Когнитив лингвистиканинг фанлараро алоқалари. Структуравий, функционал, коммуникатив, прагматингвистик ва когнитив ёндашувлар. Когнитив лингвистика замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналиши сифатида. Когнитив лингвистика доирасида чет эл ва Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотлар ва уларнинг ютуқлари. Когнитив лингвистика тамойиллари. Когнитив лингвистиканинг йўналишлари: когнитив стилистика, когнитив семантика, когнитив грамматика ва уларнинг тадқиқот объектлари. Когнитив лингвистикадаги турли назариялар ва ёндашувлар.

Концептуаллаштириш ва категориялаштириш масалалари

Когниция тушунчаси. Оламни когнитив идрок этиш масаласи. Концептуаллаштириш (онгда концептлар хосил қилиш) тушунчаси. Концептуал тузилмалар ва концептуал система тушунчалари. Категория ва категориялаштириш

тушунчаси. Категориялаштириш когнитив фаолият сифатида. Категориялаштириш ва иделлашган когнитив моделлар. “Оилавий мутаносиблик” концепцияси. Э.Рошнинг прототиплар назарияси. Концептуал ва лисоний дунё тасвири тушунчалари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.

Концепт – когнитив лингвистиканинг асосий тушунчаси сифатида

Концепт тушунчаси. Концепт – концептуал ва тафаккур бирлиги сифатида. Концептнинг тадқиқ этишда лингвокогнитив ва лингвокультурологик ёндашувлар. Концепт ва маъно. Концепт ва тушунча. Когнитив лингвистикада маъно интерпретацияси. Концептлар ва уларни таснифлаш принциплари. Концепт билимлар тузилмаси сифатида. Концепт турлари. Концепт структураси. Концептнинг вербаллашув усуллари. Концептнинг таҳлил қилиш йўллари.

Билим тузилмалари

Билим тузилмаси тушунчаси. Билим тузилмасига турли ёндашувлар. Билим тузилмалари турлари ва уларнинг хусусиятлари. Билим тузилмаларининг тилда бирликларида акс этиши ва вербаллашув усуллари. Билим тузилмаларининг тил бирликларида акс этиши. Билим тузилмалари шакллари: фрейм, гештальт, схема, сценарий, скрипт. Семантик фрейм тушунчаси. Ч.Филлмор концепцияси. Фрейм структураси. Концептуал макон (домейн) тушунчаси ва унинг турлари.

Ахборотни тил бирликларида тақсимлаш тамойиллари

Когнитив лингвистикада концептуал ахборот тушунчаси. Концептуал ахборотнинг тил бирликларида тақсимланиши ва уларни тадқиқ этиш Концептуал ахборотнинг вербаллашув усуллари ва уларнинг хусусиятлари. Ахборотнинг тил бирликларида ва матнда тақсимланиш тамойиллари. Мос келиш (релевантлик) тамойили ва унинг хусусиятлари. Икониклик тамойили ва унинг хусусиятлари. Тилдаги тежамкорлик ва отриқчалик тамойили ва унинг хусусиятлари. Тил бирликларида тақсимланган ахборотни таҳлил қилиш ва ахборотни юзага чиқариш усуллари.

Когнитив метафора назарияси

Когнитив метафора категориялаштиришни амалга оширувчи когнитив фаолият сифатида. Дж.Лакофф ва М.Джонсоннинг концепцияси. Когнитив метафоранинг универсал характери. Когнитив метафора тафаккур бирлиги сифатида. Когнитив метафорани ўрганишда турли ёндашувлар. Когнитив метафоранинг тилда акс этилиши. Когнитив метафоранинг турлари. Структуравий метафора ва унинг хусусиятлари. Онтологик метафора. Контейнер метафора. Ўзатувчи метафора ва унинг хусусиятлари.

Концептуал таҳлил методлари

- когнитив моделлаштириш (когнитив харита тузиш) методи. Тил бирликларининг чуқур семантикасини моделлаштириш имконини беради. Когнитив моделлаштириш сўзларнинг луғавий маънолари, сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар, сўзларнинг ассоциатив алоқалари; контекстуал маънолар асосида тузилувчи когнитив хариталар орқали амалга оширилади;
- концептуал таҳлил одам когнициясининг юзаки тил тузимамалари билан алоқасини ўрганишни назарда тутди. Концептуаллаштириш жараёнида олинган

маълумотларни онгли идрок этиш ва минимал концептуал маъноларни аниқлаш рўй беради.

- фрейм таҳлили лисоний структуралар ва ментал моделларни боғлиқлигида амалга оширилади (фреймни ифодаладиган вербал сигналларни қидириб топиш, фреймнинг иерархик структурасини тиклаш, фреймда намоён бўлган билимларни концептуаллашуви).

ҚИЁСИЙ ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК

Лингвомаданиятшунослик фан сифатида ва унинг ўрганиш объекти ва асосий тушунчалари

Лингвомаданиятшунослик фани ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари ва унинг тилшуносликда эгаллаган ўрни. Тил ва маданият ўзаро боғлиқлиги масаласи. Лингвомаданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари. Лингвомаданиятшунослик фанининг ўрганиш объекти ва асосий тушунчалари. Маданият тушунчаси. Лингвомаданиятшунослик фани доирасида чет эл ва Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотлар ва уларнинг ютуқлари.

Тил – маданият – элат масаласининг тилшуносликдаги муаммоси

Тил маданиятни акс этувчи восита сифатида. В.фон Гумбольдт, Б. Уорф, Э. Сепир концепциялари ва назариялари. Сепир-Уорфнинг лингвистик мутаносиблик назарияси. Тил маданий кодни вербаллаштирувчи восита сифатида талқин этувчи (А.А. Потебня, Леви-Стросс, Ф.И. Буслаев) назариялар. Тилшуносликдаги лингвомаданий мактаблар (Ю.С. Степанов, Н.Д. Арутюнова, В.Н. Телия, В.В. Воробьев).

Лингвомаданиятшунослик фанининг йўналишлари

Лингвомаданиятшунослик фанининг анъанавий лингвистик фанлар (тил тарихи, умумий тилшунослик, лексикология) билан боғлиқлиги. Лингвомаданиятшуносликнинг замонавий лингвистик йўналишлари, когнитив лингвистика, лингвопрагматика, гендер тилшунослиги, маданиятлараро мулоқот фанлари билан боғлиқлиги. Лингвомаданиятшуносликнинг йўналишлари: диахроник лингвомаданиятшунослик, чоғиштирама лингвомаданиятшунослик, қиёсий лингвомаданиятшунослик. Лингвомаданий лексикография.

Қиёсий лингвомаданиятшунослик фан сифатида

Қиёсий лингвомаданиятшунослик фани ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари. Қиёсий лингвомаданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари. Қиёсий лингвомаданиятшунослик фанининг ўрганиш объекти ва асосий тушунчалари. Маданият турлари ва уларнинг хусусиятлари.

Лисоний ва миллий дунё тасвири тушунчалари

Дунё тасвири тушунчаси. Дунё тасвири шахс ва ижтимоий онг асосини ташкил этувчи дунё тўғрисидаги билимлар мажмуи сифатида. Дунё тасвири турлари ва уларнинг хусусиятлари: концептуал дунё тасвири, лисоний дунё тасвири, миллий дунё тасвири.

Лисоний ва миллий дунё тасвирининг аксиологик жиҳати. Лисоний дунё тасвирни таҳлий қилиш методлари. Миллий дунё тасвир ва унинг хусусиятлари. Миллий дунё тасвирлари турлари. Миллий дунё тасвирини вербаллаштирувчи лисоний бирликлар

Лингвокультурема – лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаси сифатида

Миллий-маданий хусусият тушунчаси. Миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликлар. Лингвокультурема тушунчаси. Лингвокультурема ўз ичига шакл ва маънони олувчи сатҳлараро бирлик сифатида. Лингвокультурема маданий бирлик сифатида. Лингвокультурема турли тил шакллари орқали ифода этилиши. Лингвокультурема турлари ва уларнинг хусусиятлари. Лингвокультуремаларнинг қиёсий тадқиқи.

Миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликларининг қиёсий тадқиқи

Чет тили ва она тилидаги миллий-маданий хусусиятга эга лисоний бирликларнинг қиёсий тадқиқи: эквивалентсиз лексика, реалиялар; мифологик тил бирликлари; паремиологик тил бирликлари; фразеологик бирликлар; эталонлар, стереотиплар, символлар; метафора ва образлар (тимсоллар); тилларнинг стилистик қатлами (адабий ва ноадабий шакллар ва ҳ.к.); сўзлашув одоби ва феъл-атвор; нутқ этикети

Лингвомаданий тадқиқ методлари

- қиёсий-чоғиштира – бу метод лисоний бирликларнинг фарқли ва ўхшашлик тарафларини аниқлашга йўналтирилган;
- компонент таҳлил – ушбу метод ўрганилаётган лингвомаданий бирликларнинг лексик сатҳда вербаллашувидаги парадигматик ва синтагматик алоқаларини аниқлашга қаратилган;
- кросс-маданий таҳлил методи турли тиллардаги лисоний бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлашга қаратилган;
- тавсифий-аналитик - бу метод кузатиш, таққослаш ва умулаштиришни ўз ичига олади ҳамда далилий материалларни йиғади ва уларнинг классификацияси билан шуғулланади;
- тадқиқ этилаётган тил бирликлари семантикасини ўрганишга қаратилган семантик таҳлил методи.

ЛИНГВОПРАГМАТИКА

Лингвопрагматика фанига кириш

Лингвопрагматика замонавий лингвистик йўналиш сифатида. Лингвопрагматика фани соҳалараро фан сифатида. Лингвопрагматика фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Лингвопрагматика фанининг мақсади, ўрганиш объекти ва мақсадлари. Лингвопрагматика фанининг тамойиллари, асосий тушунчалари ва терминологик аппарати (контекст, маъно, нутқий акт, импликатура, пресуппозиция, дейксис ва ҳ.к.).

Нутқий акт назарияси лингвопрагматиканинг асоси сифатида

Нутқий акт назариясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. Дж. Остин ва Дж. Серльларнинг лингвопрагматика фанининг ривожланишига қўшган ҳиссаси. Нутқий акт тушунчаси. Нутқий актни ҳосил қилувчи таркибий қисмлари. Нутқий акт турлари. Локутив, иллокутив, перлокутив актлар. Перформатив нутқий актлар. Нутқий стереотип. Коммуникатив актнинг прагматик эффективлиги.

Г. Грайснинг кооперация тамойили назарияси

Кооперация тамойилининг асослари ва унинг инсонлараро мулоқотдаги урни. Кооперация тамойилининг асосий максималари. Микдор максимаси, сифат максимаси, релевантлик максимаси, услуб максимаси. Коммуникатив стратегиялар.

Имликатуралар назарияси

Белги ва уларни ҳосил қилувчи иштирокчилар. Импликатура назариясининг асосий ҳолатлари. Импликатуралар турлари: конвенционал импликатуралар, ноконвенционал импликатуралар.

Хушмуомалалик тамойили коммуникатив-прагматик категория сифатида

Хушмуомалилик категориясининг асосий ҳолатлари. Хушмуомалалик нутқий қоидалар сифатида (Р.Лакофф, Дж. Лич, Г. Грайс). Хушмуомалалик категориясининг максималари (саҳоват максимаси, розилик максимаси, симпатия максимаси, камтарлик максимаси ва хк.). Хушмуомалалик турлари ва уларнинг турлари. Ижобий ва салбий хушмуомалалик. Хушмуомалалик дискурс сифатида (Р. Уоттс назарияси).

Дискурс прагматикаси

Нутқий фаолият ва дискурс турлари. Адресат ва адресант факторлари. Дискурсни ўрганишда прагматик аспект. Мулоқотдаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар. Адабий мулоқотнинг прагматик жиҳатлари. Нутқий мулоқотда ижтимоий-этикет омиллар. Прагматик ҳодиса. Прагматик вазифа тушунчаси. Прагматик вазифалар турлари. Прагматик эффективлик. Дискурс таҳлили.

Лисоний бирликларининг прагматикаси

Сўз прагматикаси. Сўз маъносидаги индексал белгиларининг таҳлили. Мурожаатнинг прагматик моҳияти ва хусусиятлари. Интонациянинг прагматик жиҳати. Грамматик тил бирликларининг прагматик жиҳати. Синтаксис прагматикаси. Дейктик белгиларининг прагматик моҳияти ва таҳлили. Тил бирликларининг лингвопрагматика жиҳатлари ва уларнинг таҳлили.

Қабул қилиш ва таъсир қилиш назарияси

Коммуникатив стратегиялар ва тактикалар. Нутқий актнинг прагматик хусусиятлари. Мулоқотнинг турлари. Коммуникатив актни тушуниш ва жоида қўллаш. Нутқий актнинг эффективлиги.

Лисоний шахс назарияси

Лисоний шахс тушунчаси. Лисоний шахс турлари. Лисоний шахснинг таркибий қисмлари ва структураси

Бўлажак чет тили ўқитувчиси риторик нутқининг лингвопрагматик жиҳати

Нутқ маданияти. Академик дискурс. Педагогик нутқ. Илмий-педагогик дискурснинг турлари. Коммуникатив корректлик. Мулоқотнинг илмий-педагогик

максималари. Педагогик мулоқотнинг новербал воситалари. Илмий-педагогик нутқнинг миллий-маданий хусусиятлари.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Антропоцентрик парадигманинг замонавий тилшуносликда эгаллаган ўрни
- Когнитив лингвистиканинг асосий тушунчалари
- Когнитив лингвистика йўналишлари
- Концептуализация ва концептуал структура
- Концепт тушунчаси ва унинг структураси
- Билим тузилмалари ва унинг турлари
- Дунё тасвири ва унинг турлари
- Фрейм назарияси ва фрейм анализи
- Когнитив метафора назарияси
- Категоризация ва когнитив моделлар
- Прототиплар назарияси ва Э.Рошнинг концепцияси
- Концептуал таҳлил методлари
- Лингвомаданиятшунослик фанининг асосий тушунчалари
- Тил ва маданият боғлиқлиги
- Мадания турлари ва уларнинг қиёсий тадқиқи
- Маданий белгилар ва уларнинг турлари
- Миллий-маданий хусусият тушунчаси ва уни ифода этувчи тил бирликларининг хусусиятлари
- Лисоний бирликларнинг миллий-маданий хусусияти
- Мономаданият ва мультимаданият тушунчалари
- Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва қиёсий тадқиқи
- Лингвокультурема ва унинг турлари
- Лексик бирликларнинг лингвомаданий ва қиёсий тадқиқи
- Синтактик бирликларнинг лингвомаданий ва қиёсий тадқиқи
- Стилистик сатҳнинг лингвомаданий ва қиёсий тадқиқи
- Прагматика антропоцентрик йўналиш сифатида
- Лингвопрагматика фанининг асосий тушунчалари
- Нутқий мулоқот хусусиятлари
- Нутқий акт назариясининг ва нутқий акт структураси
- Нутқий акт турлари ва классификацияси
- Лингвопрагматикада кооперация тамойили
- Кооперация тамойилининг асосий максималари
- Нутқий стратегиялар ва тактикалар.
- Нутқий стратегиялар типологияси
- Нутқий таъсир қилиш феномени
- Импликатура назарияси
- Хушмуомалалик категорияси ва максималар
- Прагматик ходиса тушунчаси ва унинг турлари
- Прагматик вазифа тушунчаси ва унинг турлари
- Нутқий фаолият ва дискурс турлари.
- Адресат ва адресант факторлари
- Мулоқотдаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар
- Сўз прагматикаси
- Тил бирликларининг лингвопрагматика жиҳатлари ва уларнинг таҳлили
- Лисоний шахс тушунчаси ва унинг турлари
- Хорижий тил ўқитувчисининг нутқ маданияти. Педагогик нутқ

- Илмий-педагогик дискурсинг турлари
- Мулоқотнинг илмий-педагогик максималари

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар замонавий лингвистика йўналишлари фани бўйича маърузада олган билим ва кўникмаларини ушбу фандаги турли тамойилларни амалий масалалар, амалий машқлар, тақдимотлар, гуруҳ музокаралари орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар, гуруҳ музокаралар ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

- Мулоқотдаги лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш ва типологиясини амалга ошириш;
- Хушмуомалалик категорияси максималарини рўйхатини тузиш ва мисоллар билан исботлаш;
- Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек тилларидаги миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликларини аниқлаш ва мисоллар билан исботлаш;
- Лексик сатҳда миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликларининг рўйхатини тузиш;
- Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек тилларидаги реалиялар рўйхатини тузиш;
- Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек тилларидаги лингвокультуремалар рўйхатини тузиш;
- Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек тилларидаги новербал мулоқотнинг турлари ва шакллари аниқлаш;
- Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек лингвомаданиятларининг базавий концептлари рўйхатини тузиш;
- Универсал маданий концептларнинг инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида лисоний вербализациясини қиёсий таҳлил қилиш (Она, Ватан, Бахт, Гўзаллик, Ҳаёт, Сув, Муҳаббат ва ҳк);
- Миллий дунё тасвирини акс этувчи лисоний бирликлар намуналарини йиғиш ва уларни таҳлил қилиш;
- Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек лингвомаданиятларига хос миллий-маданий концептлар ва уларнинг вербализациясини қиёсий таҳлил қилиш;
- Миллий дунё тасвирини шаклловчи миллий-маданий концептларини, лингвокультуремаларини ва уларнинг Инглиз/немис/француз/испан, рус ва ўзбек лингвомаданиятларида вербализация бўлиш хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Нутқий актлар турларига мос мисоллар йиғиш;
- Кооперация тамойили максималарига мисоллар йиғиш ва уларнинг прагматик вазибаларини аниқлаш.

Лаборатория ишларининг ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишининг ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Магистрантларнинг мустақил иши дастурнинг асосий бўлимлари асосида режалаштирилади ва қуйидаги иш турларини назарда тутлади:

- амалий тил материални йиғиш, карточкалар тузиш, когнитив лингвистиканинг назарий ва амалий муаммолари бўйича тестлар тузиш;
- маълум бир тил сатҳига тегишли тил бирликларини эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб таҳлил қилиш ва презентация қилиш;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ва мавзуларини ўрганиш ва устида ишлаш;
- маъруза курсининг маълум бир қисмлари бўйича презентациялар ва маъруза фрагментларини тайёрлаш;
- танланган мавзу бўйича рефератлар ёзиш ва лойиҳалар тайёрлаш;
- ўрганилаётган чет тили лисоний материали ёки адабиёти материали асосида концептуал таҳлил методларини қўллаган ҳолда тил ва тафаккур муносабатларини, миллий дунёқарашнинг хусусиятларини, лисоний-когнитив фолитнинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш;
- замонавий лингвистик йўналишларининг асосий муаммолари бўйича илмий тадқиқот олиб бориш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Дунёни интерпретация қилишда тилнинг роли
2. Билим тузилмалари: фрейм, схема, концепт, сценарий
3. Тил ва тафаккур, тил ва маданият боғлиқлиги
4. Тил – билим тузилмаларини ва маданиятни намоён этувчи, сақловчи ва ўзатувчи восита сифатида
5. Когнитив метафора ментал ва маданий модел сифатида
6. Инглиз, ўзбек, рус лингвомаданиятларнинг базавий концептлари қиёсий таҳлил этиш
7. Инглиз, ўзбек, рус лингвомаданиятларнинг базавий концептларинг тилда ифодаланиш хусусиятларини тадқиқ этиш
8. Миллий характерга эга реалиялар рўйхатини тузиш
9. Лингвокультурема турлари ва уларнинг хусусиятлари
10. Фразеологик бирликларининг миллий-маданий хусусиятлари
11. Маданий белгилар ва уларнинг турлари
12. Прагматикада адресат ва адресант факторлари
13. Атрибуция ва унинг турлари
14. Нутқий мулоқот хусусиятлари
15. Прагматик вазифалар ва уларнинг типологияси
16. Хушмуомалалик категорияси ва унинг турлари
17. Лисоний шахс ва унинг турлари
18. Хорижий тил ўқитувчисининг илмий-педагогик нутқ маданияти

Дастурнинг инфорацион-услугий таъминоти

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан:

– замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;

– мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;

– амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;

– кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹:

Асосий адабиётлар:

1. Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. – Самарқанд: Сангзор нашриёти, 2006.
2. Карасик В. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004
3. Маслова В.А. Лингвокультурология, -М., 2004, 2007
4. Маслова В.А. Современные направления в лингвистике. - М., Издательский центр “Академия”, 2008.

Қўшимча адабиётлар:

1. Болдырев Н. Н. Когнитивная семантика. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г. Р. Державина, 2001.
2. Ковшова М.Л. Лингвокультурологический метод во фразеологии. Коды культуры. М., 2013
3. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем/Под ред. А.Н. Баранова. – М.: Издательство ЛКИ, 2008.
4. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. - М., 2004
5. Маслова А.Ю. Введение в прагмалингвистику. Уч. пос. М.: Флинта: Наука, 2007. – 152 с.
6. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б.
7. Evans V., Green M. Cognitive Linguistics. An Introduction. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006

Интернет сайтлари:

1. www.cognitivelinguistics.org
2. www.degruyter.com
3. www.infolex.ru
4. www.quiben.org/semantica-y-lexicologie
5. www.catalunyaonline.com/
6. www.daf.uni-mainz.de/Bibliographien/bibtext.htm
7. www.filologia_hispanica
8. www.ngr.es/pages/estudios/titulaciones/

¹ Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

